

Тақдиримсан,
бахтимсан,
эркин ва обод
Ватан!



Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 29-avgust, chorshanba № 69 (8510)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

Муҳамедов Фафуржон Исро-
илович — Мирзо Улуғбек но-
мидаги Ўзбекистон Миллий
университети ректори

“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”

Узақбергенов Базарбай — Бер-
дақ номидаги Қорақалпоқ дав-
лат мусиқали драма театри ак-
тёри

Эшчанов Фафур Муҳамедович
— Бадий жамоалар ижодий
бирлашмаси Хоразм вилоят
бўлими “Мақом” ансамбли бадий
раҳбари

Эшчанов Гуломжон Муҳаме-
дович — Бадий жамоалар ижо-
дий бирлашмаси Хоразм вило-
ят бўлими “Мақом” ансамбли
мусиқа раҳбари

“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси”

Мамажонов Воҳиджон Маҳ-
мудович — Ўзбекистон Бадий
ижодкорлар уюшмаси аъзо-
си, амалий безак санъати у-
стаси

“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири”

Избасканов Жиенбай — Ўзбе-
кистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, “Қарақалпақстан” наш-
риёти бош муҳаррири

Шарипов Хусниддин — Ўзбе-
кистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”

Жаллиева Гулойим Бебитовна
— Бухоро вилояти Олот тум-
нидаги 12-умумий ўрта таълим
мактабининг бошланғич синф
ўқитувчиси

(Давоми 2-,3-бетларда.)

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК



Фарзандларимиз ўзимиздан ўзишини ният қилиб яшайдиган халқимиз. Президентимиз таъкидлаганидек, уларнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун шарт-шароит яратиш — ёруғ манзилимиз, барча эзгу орзу-умид ва интилишларимиз негизидир.

Эътибор бергандирсиз: халқимиз фарзандларини янги ўқув йилига тайёрлашга алоҳида бир маросим сифатида қарайди.

Аслида ўз оиласи, фарзандларининг эртанги кунига бефарқ қарамайдиган одам жамият ҳаётига-да дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Барча имконият ва ресурсларини ёш авлоднинг комил инсон бўлиб вояга етишиши учун йўналтирган мамлакатнинг бугуни мазмунли, эртаси нурафшондир.

МАЪНАВИЯТ — МАНГУ МЕЗОН

Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида инсонни камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвузликка ундайдиган зарарли ғоялар ўртасидаги азалий баҳс янада кескинлашмоқда. Ўзининг қимлигини англаган, ҳаётда ўз фикрига, қатъий фуқаролик позициясига эга, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсгина бун-

дай хавф-хатарларга қарши тура олиши мумкин.

Ўз маънавий куч-қудратини исботлашга қодир авлод эса тасодифан пайдо бўлиб қолмайди. Бунга йиллар давомида мунтазам ва ўзлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билангина эришиш мумкин.

(Давоми 5-бетда.)

Ta'lim

XUSH KELIBSI



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”

Исмаилова Марьяш Хожабергеновна — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри артисти

Қодиров Даврон Ишимович — Каттақўрғон шаҳар Абдулҳамид Мажидий номидаги драма театри актёри

Сатторов Холмурод Сууюнович — Қашқадарё вилоят кўғирчоқ театри бош режиссёри

Турдиев Алишер Баҳодирович — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

Ҳамроев Бехзод Жавлонович — “Ўзбекфильм” киностудияси актёри

Шамсематов Фахриддин Йўлдошев — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ёшлар” телеканали режиссёри, актёр

Йўлдошева Гулбаҳор Толибовна — Ўзбек давлат драма театри актёри

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

Аминова Мунира Турсунхўжаевна — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти

Рафиқов Адҳам Салимович — Тошкент тўқимачилик ва енгил сапогат институтининг табиий фанлар кафедраси профессори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”

Ашуров Салим Тўраевич — “Туркистон” ва “Молодёжь Узбекистана” газеталари бош муҳаррири

Муллабоев Тоир Собирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканали муҳаррири

Пак Лилия Леонидовна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

Собиров Абдулла Собирович — “Куч — адолатда” газетасининг Хоразм вилояти бўйича муҳбири

Тўлаганов Нодир Абдусафиевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ахборот” информатсион теледасурлар муҳарририяти бош муҳаррири

Холбоев Исроил Бахронович — “Дўстлик байроғи” — “Знамя дружбы” газеталари муҳбири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”

Адилов Баҳодир Комилович — “Ўзбекфильм” киностудияси постановкачи режиссёри

Аҳмедова Тўхтахон Муҳиддиновна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Машғал” радиоканали диктори

Бўриев Луқмон Каримович — “Ёшлик” журнали бош муҳаррири ўринбосари

Валиев Ҳожимурод Муҳамеджонович — Республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси бадий раҳбари, кинорежиссёр

Мадрахимов Эркин — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Раҳимов Алишер Акбарович — Тошкент кулолчилик тажриба комбинати кулол рассоми

Сайдуллаев Темир — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтавирчи рассом

Ўразбоева Тозагул Шомуратовна — “Орабион” фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари

Шукуров Эшқобил Жўраевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Собиров Маткарим Бекчанович — Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали кардиохирургия бўлими мудири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Дусумбетов Муратбой Шамуратович — Республика Олимпия заҳиралари коллежининг миллий кураш бўлими катта мураббий-ўқитувчиси

Қўқоров Лочин Содиқович — Наманган вилояти олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича мураббийи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”

Сайидов Рамзиддин Бешимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”

Янгибоева Раъно Қорабоевна — Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги 83-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Абдурахмонова Дилбар Ҳуломовна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри дирижёри

Тўраев Аббосхон Собирхонвич — ЎзФА Биоорганик кимё институту директори

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдурахмонов Эргашбой — Самарқанд давлат университетининг аналитик кимё кафедраси профессори

Азизов Собит Курбонвич — Тошкент шаҳар нефрология шифохонасининг бўлим мудири

Аҳмедов Бобомурод Жўраевич — ЎзФА Ядро физикаси институту етакчи илмий ходими

Бекбўтаева Рихси Нурматовна — Республика Маънавият тарғибот марказининг Чирчиқ шаҳар бўлими раҳбари

Бекназаров Турғун Саидович — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

Искандарова Шарифа Мадалиевна — Фарғона давлат университетининг тилшунослик кафедраси мудири

Маҳмамов Козим Эргашевич — Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий марказининг нейрохирургия бўлими раҳбари

Муротхўжаева Светлана Қодировна — “Ўзбекфильм” киностудияси мультипликацион фильмлар постановкачи режиссёри

Назарова Зулайхо Тўроровна — Самарқанд шаҳридаги 6-сонли Меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Собиров Мирҳамид Муҳамеджонович — Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси

Синдоров Қуроқбой Бурҳонович — Самарқанд вилояти Қўшрабат туманидаги “Тегириновул” қишлоқ врачлик пункти мудири

Тажимуратов Асанбай Сейтмуратович — Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси телеоператорлар гуруҳи бош режиссёри

Усмонов Қаҳрамон Ҳабибуллаевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри симфоник оркестри раҳбари

Ҳасанов Баёдилла Қаҳҳорович — Наманган вилояти Янгикўрғон агроиқтисодиёт коллежининг математика фани ўқитувчиси

Худойбердиев Аҳрор Носирович — Республика Онкология илмий маркази анестезиология ва реанимация бўлими мудири

Якубова Дилором Тожиевна — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 17-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг тарих фани ўқитувчиси

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдуллаев Нурмаҳамат Усмонович — Фарғона вилояти Учқўприк туман тиббиёт бирлашмаси чақалоқлар бўлими мудири

Абдуллаев Эркин Иброҳимович — Хоразм вилояти Хива туманидаги 3-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш бўйича мураббийи

Мадрахимова Зулфия Султонмаҳмудовна — Наманган вилояти юкумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси

Наврўзов Маҳмадали — Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё филиали болалар хирургияси бўлими мудири

Турманова Лена Абдикаировна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги “Дауқара” қишлоқ врачлик пункти мудири

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаев Қобилжон Фозилович — Андижон вилояти Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмасининг шовилинч тиббий ёрдам бўлими врач-терапевти

Айрапетян Армен Иосифович — “Устозода” унитар корхонаси ганчор ва шакл қуювчи, катталаштирувчи устаси

Аҳмадалиев Файзуллахон — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтавирчи рассом

Багрянская Яника Юрьевна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Джемилев Нусрет Аблякимович — Тошкент шаҳар “Авдет” крим-татарлар миллий маданий маркази раиси

Казакова Галина Михайловна — Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг мураббий-ўқитувчиси

Лебедева Любовь Владимировна — “Народное слово” газетаси ректориди

Маликова Дилбар Мирсаъдиевна — Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси хор жамоаси бадий раҳбари

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-2-бетларда.)

Нодирова Феруза Турдиевна — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси нодавлат телекомпаниялар телетармоғи муҳаррири

Рибар Ирина Аркадьевна — “Правда Востока” газетаси бўлим муҳаррири

Содиқов Шерали — Республика қозоқ миллий маданий маркази раиси ўринбосари

Сайдумуров Саидакром Эргашевич — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

Сапаров Валерий Ибрагимович — Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада чолғу ижрочилиги кафедраси катта ўқитувчиси, композитор

Ульянова Валентина Алексеевна — Тошкент давлат мусикали комедия (оперетта) театри балет-мейстери

Умарова Дилором Кўчқоровна — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, телевидение диктори

Шугуров Дмитрий Владимирович — Самарқанд вилояти Тайлоқ олимпия заҳиралари коллежининг академик эшак эшиш бўйича мураббий-ўқитувчиси

Ўсупова Комила Бўриевна — Сурхондарё вилоят телерадиокomпанияси катта муҳаррири

Мамлакатимизда амалга оширилган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўйган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Шухрат” медали билан

Абдуллаев Зиёдулла Саъдуллаевич — Ўзбекистон давлат миллий симфоник оркестри зарбли чолғулар гуруҳи артисти

Абдуқундузова Валентина Николаевна — Ўзбек миллий академик драма театри гримёри

Аъзамова Гулчехра Азизовна — ЎзФА Тарих институти етакчи илмий ходими

Адилов Шухрат Камолович — Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси Тошкент радиозинтигириш уйи овоз эшиш хизмати бошлиғи

Алибоева Зулхумор Темировна — Жиззах вилоят кардиология диспансери бўлим мудири

Ахмадалиев Орифжон Турғунпўлатович — Наманган вилояти Уйчи туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими ўқитувчиси

Бегмуродов Қодир — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Амир Темур қишлоқ врачлик пункти мудири

Бешимова Ҳабиба Нарзуллаевна — Бухоро вилояти Ромитан агро-бизнес касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Бобомуродов Бахтиёр Бойназарович — ЎзФА Астрономия институти “Майданак” обсерваторияси тоқари

Бўронова Сайёра Маҳмудовна — Жиззах вилоят телерадиокomпанияси бўлим мудири

Жўрабоева Муборак Аҳмаджоновна — Республика ёш томошабинлар театри либослар бўлими бошлиғи

Дружинина Елена Сергеевна — Фарғона шаҳридаги 1-Болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабининг гимнастика бўйича мураббийи

Жалолова Улдон Музаффаровна — “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи буклов машинаси машинисти

Жуманиязов Алламберган — “Амударё ҳақиқати” газетаси масъул котиби

Иноятнова Ҳамида Жўрақуловна — Республика махсус ижодий ишлаб чиқариш “Усто” уюшмаси Самарқанд “Усто” шўъба корхонаси зардўз устаси

Исмоилов Шарофиддин Нуридинович — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси китоблар мажмуаси қирқув дастгоҳи машинисти

Қобилова Зиёда Ўткировна — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

Комилова Зулфия Раҳимжоновна — Наманган вилоят ўлкашунослик музейи методисти

Камолов Расулжон Назирович — “Маҳалла” газетасининг Фарғона вилояти бўйича муҳбири

Каримов Абдуҳаким Қайумович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрachi рас-сом

Қодирова Райхон Уразовна — “Учқудуқ” газетаси муҳаррири

Комилова Замира Мамировна — Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 4-болалар мусика ва санъат мактабининг мусика ўқитувчиси

Кострикина Антонина Владимировна — “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчиси

Кубаева Дилноза Оқилбековна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Қўзиева Назира Ўсаровна — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, кулол

Қўчқорова Хуршида Ваҳобовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Андижон вилояти бўлими масъул котиби

Латинов Қодирқул Жамолович — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус қурилиш касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Маматкулова Машкура Қудратовна — Тошкент вилояти Пискент туман марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси

Маматурдиев Дилшод Нейматович — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот марказининг «Худуд» информацион дастури бошловчиси

Матмуротов Қувондиқ Ибодул-лаевич — Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Матчанов Нураддин Азодович — ЎзФА Физика-техника институти етакчи илмий ходими

Матчанов Рашид Сабетович — Қорақалпоғистон Республикаси қорақалпоқ давлат санъат музейи таъмирлаш бўлими мудири

Мирзаева Гулбаҳор Қодировна — Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими ҳамшираси

Мухамедова Ҳилола Норхўжаевна — Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси бўлим мудири

Назарова Муқаддас Кўчкиновна — Сурхондарё вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази бўлим мудири

Насибидинов Мирзоаҳмад — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, уймакор уста

Насимов Ҳилол Тўлқинович — “Ўзбекфильм” киностудияси режиссёри

Норкулова Карима Тўхтабоевна — Тошкент давлат техника университетининг илмий ишлар бўйича проректори

Позилжонов Жаҳонгир Ғайратович — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

Ражабов Адизжон Нарзуллоевич — “Ўзбекфильм” киностудияси актёри

Ражабова Манзура Халиловна — Бухоро вилоятлараро ихтисослаштирилган болалар уйи ҳамшираси

Сафаров Мамадамин Абдуғаф-форович — Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси “Ўзбекистон” телеканал Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири

Солиев Нейматжон — “Хунар-манд” уюшмаси Наманган вилоят бўлими аъзоси, чиннисоз

Тожибоева Гавҳархон Тилабол-диевна — Андижон вилояти Булоқбоши туман марказий маданият уйи директори

Тўраева Сайёра Худойназаровна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби қошидаги хореография коллежи ўқитувчиси

Тўрахонов Бахтиёр Жўраевич — Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди “Ёшлар” студияси бош муҳаррири

Умарова Гулжиян Саъдуллаевна — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қоғоз цехи устаси

Умарова Дилбар Абдураасуловна — Тошкент вилояти Ангрен кимё саноати касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Ўроқов Жонузқоқ Нуруллаевич — Навоий вилояти Хатирчи туман маданият ва спорт ишлари бўлими қишлоқ маданият уйи директори

Ҳамдамов Ўткир Раҳматиллаевич — Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази директори

Ҳикматова Ойниша Шавқиевна — Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси

Хониязов Жалғасбай — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институти бўлим мудири

Худойназаров Нарзиқул Хўжаназарович — Сирдарё вилояти Боёвут туман марказий шифохонаси реанимация бўлими мудири

Чангбоев Арчабек Жаманкулович — Навоий информатика ва электрон саноати касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Шокиров Зоир Соатович — ЎзФА Микробиология институти лаборатория мудири

Шарипова Зебинисо Тўлқиновна — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рас-сом

Йўлдошева Дилдора Комиловна — Тошкент вилояти Оҳангарон туман Қорахитой қишлоқ маданият уйи бадий раҳбари

Юнусов Ғайбулла Хайруллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси Тошкент телемаркази махсус ёритиш гуруҳи бошлиғи



❖ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**

Унга кўра давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий ҳавфсизлигини таъминлаш, Қуролли қучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги фидойилиги, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

❖ **Навоий вилояти Навбахор туманида миллий ва замонавий меъморчилик аъёнлари уйғунлигида қурилган янги "Бахт уйи" биноси фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда мамлакатимизда барча соҳаларда, жумладан, адлия идораларининг фуқаролик ҳолатлари даволатномаларини ёзиш бўлими, фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, соҳа ходимларининг иш юритиши, малака ошириши, тажриба алмашиши учун зарур шарт-шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Навбахор ҳамкор савдо" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган янги бинода ФХДЁ ходимларининг самарали меҳнат қилиши, дам олиши, оила қурувчи ёшлар, бўлимга иш юзасидан келадиган фуқаролар учун қатор қулайликлар муҳайё этилган.

Тадбирда янги "Бахт уйи"да биринчи бўлиб никоҳи қайд этилган навбахорлик келин-куёв — З.Йўлдошев ва Э.Мусаевага никоҳ гувоҳномаси топширилди.

❖ **Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси ўтказилди.**

Тадбирда вилоятдаги 400дан ортиқ йирик саноат корхоналари, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари, ҳунармандлар, касаначилик меҳнатини ташкил қилган корхоналар, тадбиркорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда тижорат банклари 3,8 мингга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ярмаркада қатнашган фуқароларнинг икки минг нафардан ортиғи ўзига муносиб иш топди. Тадбирда иштирок этган ёшлардан бир гуруҳи касб-ҳунар ўрганишга ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

— Ёшлигимдан тиббиёт соҳасида ишлашни, беморлар дардига маҳкам бўлишни орзу қилардим, — дейди Дилафрўз Ортиқова. — Шу йил Каттакўрғон тиббиёт коллежини битирдим. Бугунги бўш иш ўринлари ярмаркасида Каттакўрғон тиббиёт бирлашмасига ҳамшира бўлиб ишлаш учун йўлланма олдим.

❖ **Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги байрами муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист М.Мухторова, шоира З.Мирзаева ва бошқалар истиқлол йиллари тумандан, жумладан, қишлоқда қурилиш, ободонлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Истиқлолни мадҳ этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар янгради.

Бундай учрашувлар вилоятнинг барча туманларида бўлиб ўтапти. Шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар Фориш, Фаллаорол, Янгиобод туманларининг олис қишлоқларида, Арнасой, Пахтакор, Зафаробод туманлари пахтакорлари ҳузурида бўлиб, самимий суҳбатлар ўтказмоқда. Учрашувлар энг чекка қишлоқларда ташкил этилаётгани аҳолида катта қизиқиш уйғотяпти.

Тадбирларни ташкил этишда вилоят маънавият ва тарғибот маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари фаоллик кўрсатмоқда.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Ёш ҳунармандлар кўриги

Tanlov

«Баркамол авлод» республика болалар бадий ижодиёт маркази ҳовлиси. Ҳунармандчилик санъати намуналари териб қўйилган столлар атрофидан ёш ўғил-қизлар бир дам аримайди. Уларнинг қай бири ҳайъат аъзоларига ўзи тўқиган гулдор нимчани кўз-кўз қилса, бошқаси матога Ҳумо қуши тасвирини туширишда қайси мунчоқлардан фойдаланганини завқ билан сўзлайди. Бу «Ёш ҳунарманд» республика кўрик-танловининг сўнгги босқичи қизгин кечаётганидан дарак.

— Дурадгорлик йўналишидаги ишларим билан қатнаша-япман, — дейди Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази тарбияланувчиси Дилмурод Аскарлов ёнидаги столга дид билан терилган нақшинкор лавҳ, қутича, қаламдонларга ишора қилиб.

— Лавҳни йиғиб, ихчамлаш ёки исталган ҳажмга келтириш

мумкин. Қути ва қаламдонга пахта гулли ва ғажақдор нақшлар солинган. Бу буюмлар мумтоз ёғоч ўймакорлиги санъати аъёнлари ва миллий кадриятларимизни ўзида акс эттирган.

Тадбир жараёнида ўқувчилар халқимизнинг миллий-маданий мероси билан яқиндан танишишди, халқ ҳунарманд-

чилиги, моҳир усталар иш услуби ва касб-ҳунарга қизиқишлари янада ошди. Бу эса ёш ҳунармандларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга ҳамда ҳунармандчиликни янги шакл ва услублар билан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Дурадгорлик, мунчоқли безак, тўқиш, заргарлик йўналишида совриндорлар ва «Энг ёш дурадгор», «Энг ёш безакчи», «Энг ёш тўқувчи» ва «Энг ёш заргар» номинациялари ғолиблари аниқланди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Атроф-муҳит муҳофазаси

Мустақиллик байрами ва Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилганлигининг тўрт йиллиги муносабати билан матбуот анжумани уюштирилди.

Анжуманда атроф-муҳит муҳофазасида жамоатчилик фаоллигини кучайтириш, ўқув муассасаларида экологик тарбияни ривожлантириш, «Соғлом муҳит — инсон саломатлиги»

ғоясини аҳоли орасида тарғиб қилиш масалалари ҳамда эришилган ютуқ ва мавжуд камчиликлар, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар муҳокама қилинди. Роғун ГЭСи қурилишининг минтақадаги сув ресурсларидан фойдаланишдаги мавжуд муаммоларни янада чигаллаштириш таъкидланди.

Ф.ХОЛМУРОВА

Anjuman

Мазмунли ва сифатли таълим — давр талаби

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Таълим мазмуни ва сифатини янги босқичга кўтариш — давр талаби» мавзусида август кенгашлари ўтказилди. Пойтахтимиздаги 110-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган конференцияда туманларда ташкил этилган шўъба ва ялпи йиғилишлар якунлари таҳлил қилинди. Янги ўқув йилида умумтаълим масканларида ўқитиш сифати ва мазмунини юқори босқичга кўтаришда соҳа ходимлари олдидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Айтиш жоизки, 15—27 август кунлари Тошкент шаҳар халқ таълими муассасаларида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шiori остида ўтказилган семинарларда 200 тренер, 15000дан зиёд

фан ўқитувчиси, 800 нафардан ортиқ раҳбар ходим иштирок этди. Ушбу кенгашларда қатнашган педагоглар таълим босқичларининг узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш мақсадида оптималлашти-

рилган ўқув дастурлари асосида дарсликларга киритилган ўзгаришлар ва методик тавсияларни ҳамкасбларига етказишди.

Таълим муассасаларида ахборот-коммуникация ва мультимедиа воситалари, электрон дарсликлар ва виртуал лабораториялардан унумли фойдаланиш ҳамда ўқувчиларга чет тилини янада чуқурроқ ўргатиш каби масалалар бугунги кунда долзарб эканлиги таъкидланди.

Шоира БОЙМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Устувор вазифалар белгиланди

Тошкент вилояти Паркент туманида педагог ходимларнинг аънавий август кенгаши бўлиб ўтди. Тадбирда, энг аввало, мактаб таълимига қўйилган давлат талабларини тўлақонли бажариш мақсадида ўқитувчилар масъулиятини янада ошириш, янги ўқув йилидаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш масалаларига эътибор қаратилди.

Устоз-мураббийларнинг бир гуруҳи 2011-2012 ўқув йилида эришган ютуқлари, фидойи меҳнати, таълим самарадорлигини оширишга қўшган ҳиссаси учун туман ҳокимлиги ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини

методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Бугунги анжуман кўплаб ҳамкасбларим қатори менга ҳам янги ўқув йили арафасида куч бағишлади, — дейди 5-мактаб ўқитувчиси, математика фани бўйича тажрибалари республика миқёсида оммалашган Умида Тўлаева. — Ёш авлодни тарбиялаш, билим беришда ўзимизнинг бор куч-ғайратимизни ишга соламиз, шогирдларимиз билан янгидан-янги фан чўққиларини забт этишдан тўхтамаймиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Педагоглар анжумани

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги шодиёнлари арафасида Фарғона вилояти ўқитувчиларининг аънавий август кенгаши Кўқон шаҳрида бўлиб ўтди.

Олтига йўналишдаги шўъбаларда таълим тизими олдида турган энг долзарб масалалар бўйича тренинг машғулотлари олиб борилди. Анжуман иш-

тирокчилари жойларда ташкил этилган мавзуга доир ижодий ишлар кўргазмалари билан ҳам яқиндан танишди.

Тадбирда, шунингдек, эн-

дигина ишга қабул қилинган ёш педагоглар тантанали қасамёд қабул қилдилар.

Анжуман сўнида ўтган ўқув йили давомида фидокорона меҳнат қилган бир гуруҳ педагог ходимлар Халқ таълими вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда бошқарманинг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан «Мактабнинг ички тартиб-қоидалари» такомиллаштирилиб, республика умумтаълим тизимида изчил татбиқ этилаётгани бу борадаги умумий миллий сайёҳаратларнинг муҳим бўлинидир. Мазкур ҳужжатда мактаб маъмурияти, педагогик жамоа, ўқувчилар ва ота-оналарнинг ҳуқуқ-бориқлари, уларга қўйилаётган талаб ва мажбуриятлар ўз ифодасини тогган.

— Бугунги давр талаблари ва миллий қадриятларимизга мос равишда такомиллаштирилган «Мактабнинг ички тартиб-қоидалари»нинг асосий мақсади таълим ва тарбияни уйғун олиб боришдир, — дей-

тенглик, ҳамкорлик ҳиссини кучайтиришдан иборат.

МАКТАБГА БИЛИМ ОЛИШ УЧУН КЕЛИНАДИ

Бугун жамиятимизда ўқувчиларнинг формаси билим олувчига хосу мос бўлиши ҳақидаги масала ижтимоий аҳамият касб этаётган экан, барчаси ўз-ўзидан аён: «бизга бўлаверадими», деган қарашлар эскирди, энди ҳар бир нарсда танлаш имкониятимиз мавжуд.

...Ўтган асрнинг 90-йилларида мактабда ўқирканмиз, ижтимоий фарқланиш либосларда акс этаётганини англаб борардик. Бир мисол: йигирма йиллар олдин чарм куртка-ю камзул кийиш — одамлар ўртасида алоҳида мартабага эришишдек туюларди. Бундай

сўм арзонроқ нархда тикиб берди.

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактабда ҳам ота-оналар ва 350 нафар ўқувчининг фикрлари асосида 400га яқин вариант орасидан ягона формага — ўғил болалар учун қора костюм-шим, галстук ва оқ кўйлақ, қизлар учун кулранг костюм-юбка ва оқ кофтага келишилди.

Мазкур мактаб директори Гулнора Ҳамидованинг айтишича, ота-оналарни бир қарорга келтириш осон бўлгани йўқ. Мактабда ягона форма жорий қилингани, айниқса, қизлар либосининг бир хил тиктирилгани ўқувчилар ўртасидаги маънавий-ахлоқий муҳитни янада барқарорлаштиришга хизмат қилади. Бироқ шу ўринда бир мулоҳаза туғи-

гун эса ўқувчилар 26 турдаги ўқув анжомлари билан тўла таъминланмоқда.

Бунда мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилаётган «Мактаб бозорлари» ота-оналарга катта қулайликлар яратмоқда.

Пойтахтимизнинг «Эски Жува» деҳқон бозори ҳудудидаги мактаб бозорларидан бири «Фатхулло Саид Аъло» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган бўлиб, йигирма бешта савдо нуқтасидан фақат биттасида терминал мавжуд. «Фатхулло Саид Аъло» МЧЖ директори Рустам Ҳусниддиновнинг айтишича, бархат ва ватман қорозлари, болалар спорт кийимлари ва пойабзалларидан ташқари, барча ўқув анжомлари савдоси йўлга қўйилган.

— Уч нафар фарзандим мак-

«Мактаб бозорлари»ни айланар экансиз, аксарият дафтарлар муқоваси улғу аллома-ларимиз, гўзал табиат тасвирларидан иборат эканлиги, уларни ота-оналар катта иштиёқ билан сотиб олаётгани кишини мамнун этади. Бунга эришиш осон бўлгани йўқ. Ахир беш-олти йил бурун ҳам кўпгаб ўқувчиларнинг қўлидаги дафтарлар муқоваси телесериал қаҳрамонлари, турли автомобилу курул-яроғ тасвиридан иборат бўлар эди. Бунинг моҳиятини ота-оналар те-ранроқ англаб бораётгани, албатта, қувонарли ҳол.

Шунга қарамай, ҳали-ҳануз «Барби»лар ёки қўлини мушт қилган «жангчи» тасвирланган дафтару портфеллар савдо расталарида турганидан кўз юмиб бўлмайдими.

Улардан бирини — «Wmх club» наклеякали бўяш дафтари олиб бараклайман. Юнусобод туманидаги «Perfect choice group» МЧЖда тайёрланган бу расм дафтарида одатда расм чизишни ўрганаётган ёш болалар фойдалангани. Бўяш лозим бўлган суратларда эса ярим-яланғоч қиза-лоқларнинг беҳад қилиқлари, оғзи-бурни иржайган, «готлар» суб-маданияти элементлари акс этган йигитларнинг мотоцикл ё самолётни миниб кетаётгани ифодаланган. Бундай суратларни бўяш мурғак боланинг тасаввур ва тафаккурини чалқаштириши тайин. Буни ишлаб чиқарётганлар миллат давомчиларининг онгини заҳарлаши мумкинлигини билишармикан?

Охирги танлов барибир ота-оналар ихтиёрида, албатта. Бу — фарзандининг эртанги куни қандай бўлиши, қандай инсон сифатида ҳаётга кириб бориши учун йўл танлаш демакдир.

— Яқинда қизим бозорда «Барби» сурати туширилган портфелни оламан деб туриб олди, «Барби»нинг қизлар психологиясидаги салбий реакцияси ва гайриахлоқий «фазилатлари»ни англаганимиз учун онаси билан қаршилик қилдик, — дейди қилонзорлик Сайфулла Эшбобов. — Қизим кўнмагач, уйга қайтдик. Бир ҳафта давомида қизимга «Барби»нинг оқибатларини унинг ёшига ва руҳиятига мос ҳолда тушунтирдик. Мана, қуни кеча қизим чиройли гуллар тасвири бор портфелни ўзи сотиб олди.

...Ҳар бир мамлакатнинг келгуси тараққиёти — шу юрт фарзандларининг қайси йўлни танлашига боғлиқ. Бугунгидек мураккаб глобаллашув даври ҳар бир фарзанднинг онги ва қалбини «оммавий маданият» таҳдидларидан асраш учун ҳар лаҳза курашишга undamoqda.

Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонлар мамлакатни тараққиётга элтиши, халқ фаровонлигини зейда этиши мумкин. Бу, аввало, оилалардаги муҳитнинг соғломлигига боғлиқ. Зеро, одобли, билимли ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд бугун жамиятнинг, инсониятнинг энг катта бойлигидир.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси
Х.АРАББОВЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

ди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамолддин Камолов. — Бу борада, аввало, ота-оналар ва мактаб маъмурияти ўртасида тузилган шартноманинг тўла бажарилишига эришиш лозим. Ҳар бир ўқувчига эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканини англатиш, уларнинг онги ва қалбида бўшлиқлар қолишига йўл қўймаслик — инсон омилининг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун ўқувчининг бутун фикри-зикрини билим олишга жалб қилиш, уни билим олишдан чалғитадиган турли тўсиқларни олиб ташлаш зарур. Ҳусусан, мактабда мобил телефондан, миллий менталитетимизга зид тасвирлар ифодаланган ўқув анжомларидан фойдаланишни, шунингдек, ўқувчиларнинг кийим-кечага эришиш тартибига солишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу боис ҳар бир ўқувчининг мактаб низомида белгиланган формада келишини таъминлаш белгиланган бўлиди. Унга кўра, ўқувчиларнинг кийим-кечага эришиш тартибига эришиш зарур. Қизлар сочларини текис турмаклаган ҳолда, калта юбка ва олди ҳаддан ташқари очик кўйлақ киймаслиги, таълим муассасаси ҳудудида бош кийимсиз ва пардозсиз юриши лозим. Ўғил болаларнинг сочлари текис бўлиши даркор.

Бу борада мактабларда ҳудудларнинг маҳаллий шароитидан келиб чиқиб, Васийлик кенгаши, ота-оналар ва ўқувчилар билан келишилган ҳолда ягона форма жорий қилиш тасвир этилди. Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси қатъий мажбурият тарзида эмас, балки ўзаро ҳамкорликда, фикрлашилган ва келишилган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бу йўналишдаги ишлардан кўзланган мақсад — ўқувчилар эътиборини таълим-тарбия олишга тўлиқ жалб қилиш ҳамда улар орасида ижтимоий

«бахт»га мушарраф ўқувчиларнинг мактанчоқлиги ҳаммасидан ҳам ошиб тушарди. Таннафуслардаги асосий баҳс мавзуси ҳам, жанжалларнинг сабаби ҳам кўпинча кийимини масаласига бориб тақаларди.

Эсимда: қишлоғимиздаги бир аёлочи бола мактабга ноҳорликдан қалиш кийиб келгани учун масҳара-ю кулгуга қолган, кейин мулзам бўлиб, анча вақт дарсга кела олмаган, алқисса, мактабдан бутунлай кўнгли совиб, кўпроқ пул топишга муккасидан кетиши оқибатида ўқиши ёмонлашган эди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ижтимоий тенглик муҳитини яратиш энди оқ-қорани ажратаётган ёшларнинг тўғри йўлдан чалғимаслигига хизмат қилмоғи зарур.

Андижон вилояти Асака туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабида бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Илгари мактабимизда ўқувчилар формаси бир хил материалдан бўлгани билан уни ҳар ким ўзи хоҳлагандек ва имкониятига яраша бичимида тиктирар, болалар ўртасида бунинг таққосланиши эса турли баҳсларга олиб келарди, — дейди мазкур мактаб директори Ҳилола Отаева. — Мактабимизнинг ягона формасини яратиш учун Васийлик кенгаши, маҳалла фаоллари ва ота-оналар иштирокида бир неча бор йиғилишлар, 285 нафар ўқувчимиз ўртасида «Мен қандай кийинишни хоҳлайман» мавзусида иншоолар танловини ўтказдик, юқори синфларнинг ўзига хос кийимлар тақдими-тини ташкил этдик. Бунинг натижасида ўнлаб вариантлар ичиндан пахтадан тайёрланган оқ каттак рангдаги матодан сарафанли кофта-юбка, ўғил болалар учун жундан кулранг костюм-шим мактаб формаси сифатида танланди. Бу либослар ҳар саломатлик учун безарар, ҳар жиҳатдан қулай, уни ҳатто мактабдан ташқарида ҳам кийиш мумкин. Андижон шаҳридаги «Ишонч» ва «Шарифа люкс» фирмалари бу формаларни бозордан 20—25 минг



лади: бозордан сотиб олинган ўғил болаларнинг костюм-шими бир хил рангу материалдан бўлгани билан сифати ҳар хил бўлса, улар ўртасида яна турли таққослашлар давом этмасмикан?..

Умуман олганда, ўқувчиларга мактаб — модалар намоийши ўтказиладиган жой эмас, билим ўчоғи эканини, бу даргоҳда барча тенглиги, ҳар ким билими ва одоб-ахлоқига яраша баҳо олишини, онги баланд инсон мингчи йиқилишни англаётгани маърифий тадбирлар савиясини янада юксалтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётди. Ўзини устун қўйишга уриниш эҳтиёжи одамнинг қон-қонига сингиб кетган, аммо кимлигини кўрсатиш аввало билим, заковат ва маънавий тарбия билан бўлса, нур устига нурдир.

«МАКТАБ БОЗОРЛАРИ» — ОТА-ОНАГА ҚЎМАКЧИ

Ўн беш-йигирма йил олдинги ўқувчиларни кўз олдимизга келтирайлик: бесўнақай сумкасида битта ручка, уч-тўрт дафтару қалам бўларди, ҳолос. Оддий ўчирғичу чизғич синфда санокли бўлса, акварел циркуль деганларини одатда чизмачилик ўқитувчисида кўриш мумкин эди. Бу-

табга боради, ҳар йили ўқув қуролларини олиб беришда нақд пулга савдо қилсам — улгуржи бозорга, пластик карточка билан эса терминали бор «Мактаб бозори»га келамиз, — дейди олмазорлик Зиёдулла Абдусаматов. — Яқинда «Қўёшли» улгуржи бозорига чиқиб, ўқув қуроллари олиб бердим. Қолганларини мана, «Мактаб бозори»дан пластик карточкага харид қилдик. Мухими, уйимизга яқин, ҳар жиҳатдан қулай. Барака топишсин...

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, пойтахтимиздаги марказий бозорлардан нисбатан узоқроқда жойлашган 25та умумтаълим мактаби қошида «Мактаб бозорлари» ташкил этилиб, 26 турдаги ўқув қуролларининг савдоси йўлга қўйилган. Бу ҳам ота-оналар ва ўқувчиларга муайян енгилликлар яратмоқда.

БИР УМРЛИК ТАНЛОВ

Ўқув анжомлари — ўқувчининг доимий ҳамроҳи. Демак, улар ташқи ва ички безаклари билан ҳам ёшлар маънавиятини юксалтиришга, қомилликка ундашга хизмат қилиши лозим.

Vatanimiz mustaqilligining 21 yilligi oldidan

ЯНГИ ЎҚУВ
ОБСЕРВАТОРИЯСИ ОЧИЛДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институтига мактаблар, коллеж ва лицейларга астрономия фани бўйича ўқитувчилар тайёрлайдиган мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юрти — Низомий номидаги Тошкент давлат университети учун ташкил этилган ўқув обсерваториясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бугун Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари орасида астрономия тадқиқотлари соҳасида ва ушбу илм-фан йўналиши учун кадрлар тайёрлашда етакчи ўринни эгаллайди. Кадрлар тайёрлаш жараёни Президентимиз Ислам Каримов томонидан илм-фан ва таълимни интеграциялаштириш ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш бўйича қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар билим юртлири ўқув дастурларига "Астрономия" фани киритилган. Зеро, астрономия ўсиб келаётган ёш авлодда илмий дунёқараш, атроф-олам, сайёрамизни билишга интилишни шакллантирадиган асосий фанлардан биридир. Мамлакатимизнинг тўққизта олий ўқув юртида бу борада аниқ мақсадли ва чуқур билим берилмоқда. Мазкур таълим жараёни мамлакатимиз ва халқаро тажриба, халқимизнинг улкан илмий ва маънавий мероси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган давлат стандартларига асосланган.

Бундан ташқари, астрономия соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлирини махсус ўқув ускуналари билан таъминлаш даражаси ҳар доим ҳам замон талабларига жавоб бермасди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълим жараёнини янада такомиллаштириш, олий ўқув юртлири ўқитувчилари ҳамда талабаларини илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш учун кенг имкониятлар очиб берди.

Хужжат ижросини таъминлаш жараёнида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институтига қатор олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда талабаларга нафақат амалий машғулотлар ўтказиш, балки жиддий илмий тадқиқотларда қатнашиш имконини берадиган астрономия илмий-тадқиқот марказларини ташкил этишга доир аниқ мақсадли ишларни бажармоқда. Марказий Осиёдаги ilk астрономия ўқув обсерваторияси Самарқанд давлат университети ҳузурида ташкил этилган. Бу ерда Астрономия институтига кўмағида ўрнатилган профессионал телескоп ёрдамида ва университет талабалари иштирокида янги ўзгарувчан юлдуз кашф қилинди. Сўнгра Андижон давлат университети ва Ўзбекистон Миллий университети талабалари учун Тошкент вилоятининг Паркент туманида яна иккита ўқув обсерваторияси ташкил этилди.

— Низомий номидаги Тошкент давлат университети учун навбатдаги ўқув обсерваториясининг Ватанимиз мустақиллиги кўни арафасида ишга туширилаётгани

рамзий маънога эга, — деди маросимда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти С.Лутфуллаев. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялаш ва уларга замонавий таълим бериш, чуқур билимни ва юксак маънавият соҳиби бўлган янги дунёқарашга эга кадрларни тайёрлаш, мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Янги ўқув обсерваториясида диаметри 35 сантиметрли телескоп ўрнатилган. У об'ектлар тасвирини 500-700 марта катталаштириб кўрсатади. Бу эса Кўёшдаги доғлар ва чакнашларни кузатиш, Сатурн халқаси, Юпитернинг кўплаб йўлдошларини, Ойнинг кратерлар билан қопланган ландшафтини батафсил кўриш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, телескоп Астрономия институтига ходимлари томонидан модернизация қилинган ва энг замонавий приборлар, асбоблар, жумладан, масофадан туриб бошқариш мосламаси билан жиҳозланган. Бу коинотни техник жиҳатдан кузатишни анча осонлаштиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтига директори Ш.Эгамбердиевнинг айтишича, барча ўқув обсерваториялари илғор технологияларни қўлланган ҳолда барпо этилмоқда. Улардан нафақат астрономлар, балки амалий математика, АКТ, космик геодезия, асбобсозлик, радиофизика, сейсмология, геология ва бошқа кўплаб илм-фан тармоқлари учун мутахассислар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, улар само жисмларини ўрганиш билан қизикадиганларга ҳам асқотади. Масалан, жорий йилнинг июлида мингглаб ҳамюртларимиз мазкур ўқув телескоплари ёрдамида камдан-кам учрайдиган астрономик ҳолат — Венеранинг Кўёш гардиши бўйлаб ҳаракатланишини кузатиш имконига эга бўлди.

— Мақабда ўқиб юрган кезларимдаёқ астроном бўлишни орзу қилардим, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети физика-математика факультетининг иккинчи босқич талабаси С.Мирнигматова. — Аввал амалий машғулотлар асосан университетимиздаги виртуал обсерваторияда ўтказиларди. Бугун биз, талабалар ажойиб совға — кучли телескопга эга ҳақиқий обсерваторияга эга бўлдик ва энди астрономияни янада чуқур ўрганишимиз, амалда эса маърузаларда эгилган назарий билимлардан фойдаланишимиз мумкин. Биз ёшларга замонавий билим, севган касбини эгаллаш, камолга етиш учун барча шарт-шароит яратиб берилган мамлакатда яшаймиз. Бу имкониятларга Ватанимиз мустақиллиги туфайли, таълим ва илм-фан соҳасида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган улкан ишлар сарамасида эга бўлдик.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

Ватанимиз мустақиллигининг кутлуг айёми муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирларда халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик фазилатлари, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровонлик ёрқин намоён бўлмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" жамоат жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида Сурхондарё вилоятида ташкил этилган "Ёшлар форуми", учрашув ва "1000та суннат ва 1000та никоҳ тўйлари" хайрия акцияси ана шундай тадбирлар сирасига кириди.

Термиз давлат университетининг янги биносида бўлиб ўтган "Ёшлар форуми"да "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, иқтидорли ёшлар, "Келажақ овози" танлови жамоатчилик кенгаши аъзолари ва

ялари, техник лойиҳалар, ишланмалар ва рационализаторлик тақлифлари, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт, публицистика йўналишлари бўйича ғолиблари муносиб тақдирланди.

— Танловнинг вилоят босқичида публицистика йўналишидаги изланишларим юқори баҳоланганидан жуда мамнунман, — дейди Термиз давлат университети табиат-география факультети учинчи босқич талабаси Адолат Худойбердиева. — Мазкур танлов биз, ёшларни кўпроқ изланиб, янги ғоялар устида ишлашга даъват этаётгани билан аҳамиятлидир. Айни пайтда Сурхондарё вилоятининг экологик ҳаритасини яратиш бўйича иш олиб бормоқдаман. Бу

БАҒРИКЕНГЛИК ВА
ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

унинг ғолиблари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни баркамол, соғлом этиб воғга етказиш, истеъдодли, изланувчан йигит-қизларнинг ўз салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда энг олис, чекка ҳудудларда ҳам барча шароитларга эга таълим, тиббиёт ва болалар спорти иншоотлари барпо этилиб, замонавий усулда жиҳозланаётди. Анъанавий тарзда ўтказилаётган "Келажақ овози" республика танлови ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантириш, уларнинг энг яхши ғоя ва лойиҳаларини ҳаётга кенг жорий этишга хизмат қилмоқда. Ўтган йилларда Сурхондарё вилоятидан ҳам қўллаб-қувватлаш ушбу нуфусли танловнинг мамлакат босқичида ғолиб чиқиб, муносиб тақдирланди.

Жорий йилда қўриқ-танловнинг шаҳар, туман саралаш босқичларида 5 минг 377 нафар йигит-қиз ўзларининг турли лойиҳа ва ишланмалари билан иштирок этиб, 1 минг 430 нафар ёшлар вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улардан 41 нафари танловнинг республика босқичига йўллана олди.

Форум доирасида "Келажақ овози" республика танлови вилоят босқичининг архитектура ва дизайн, ахборот технологи-

лойиҳа воҳада экологик ҳолатни янада яхшилаш ва атроф-муҳит мусофоллигини сақлашга хизмат қилади.

"Surxon Termiz Silk" хусусий корхонасининг тўқувчилик фабрикасида бўлиб ўтган учрашув "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" яқинда мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган кенгайтирилган мажлисининг мантйикий давоми бўлди. Унда Ўзбекистонда пиллачиликнинг бугунги аҳволи, пилла ишлаб чиқариш имкониятлари, соҳани ривожлантириш истиқболлари атрофлича муҳокама этилиб, бу борада иштирокчиларнинг мурожаати қабул қилинган эди.

Хорижнинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган корхонага ташриф пиллачилик соҳасининг аҳволи билан яқиндан танишиш, "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" вакиллари ва хомашёни қайта ишловчилар ўртасида тажриба алмашиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш учун қулай имконият яратди.

Учрашувда "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" жамоатчилик кенгаши раиси Гулнора Каримова, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, "Surxon Termiz Silk" хусусий корхонаси раҳбари Ойдин Шарофуддинова ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимиз

иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Давлат, жамоат ташкилотлари ва хусусий сектор вакиллари жамиятимизнинг турли соҳаларини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эътиборни қўқайтирмоқда.

Учрашув якунида бир гуруҳ тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

"1000та суннат ва 1000та никоҳ тўйлари" хайрия акцияси шаҳар ва қишлоқлардаги эҳтиёжманд оилалар, Меҳрибонлик уйида тарбияланган йигит-қизлар ҳаётида унутилмас воқеага айланди. Ана шундай тадбирлардан бири Термиз шаҳридаги "Турон" тўйхонасида бўлиб ўтди. Бу ерда вилоятнинг Ангор, Термиз туманлари ва Тер-

миз шаҳрида истиқомат қилаётган ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларининг 15 суннат, 12 никоҳ тўйлари ўтказилди. Миллий қадриятларимизга мос ўтган тўйда келин-куёвлар ва жажжи болажонларнинг ота-оналари, қавму қариндошлари, ибратли ҳаёт тажрибасига эга отахону онахонлар иштирок этди. Никоҳ тўйлари бўлиб ўтган ёшларнинг икки жуфти вилоятдаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилариридир.

— Болаликдан Меҳрибонлик уйида ҳеч кимдан кам бўлмай воғга етдим, шу ерда таълим-тарбия олиб, улғайдим, — дейди қуёв Учқун Қаршиева. — Лайло билан Меҳрибонлик уйида танишиб, турмуш қуришга аҳд қилдик. Бизнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишимиз учун барча шароитларни яратиб берган Президентимиздан миннатдоримиз. Жамиятимизда ибратли оила барпо этиб, келгусида фарзандларимизни ҳам Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламиз.

Саховатли халқимизнинг инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, меҳмондўстлик каби юксак фазилатларини ўзида муккасман этган тўй якунида никоҳланувчи йигит-қизлар ва суннат тўйлари бўлган болаларга тадбир ташкилотчилари, хомийлар ва лойиҳа муаллифининг қimmatбахо савгалари топширилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Айни кунларда республикамизнинг барча таълим муассасаларида Мустақиллик байрами, янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни ниҳоясига етмоқда. Қўшалоқ айём арафасида барча билим масканлари ён-атрофи ободонлаштирилиб, ўзгача чирой очди. Таълим сифати ва самарадорлиги ҳам унутилгани йўқ, анъанавий август кенгашлари қизгин давом этаётир. Бир сўз билан айтганда, бу борада ҳам шакл ва мазмун уйғунлигига эришила-япти.

Тошкент шаҳридаги 244-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш учун бу йил 77.6 млн. сўм маблаг ажратилди.

— 2012-2013 ўқув йилида таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида уч ой аввал ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида махсус сўровнома ўтказгандик. Анкетадан ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига оид хоҳиш-ис-таги, дарсликлар ҳамда мактаб либоси ҳақидаги саволлар ўрин олганди. Таклифларни ўрганиб, янги ўқув йилида дарс жараён-ларини сермазмун ташкил этиш, ёшлар истеъдодини юзага чиқаришга кўмакла-шиш, ўқувчиларга АКТдан самарали фойдаланишни ўргатиш, кутубхона фонди-ни бойитишга астойдил ки-ришдик. Педагогик кенгаш-ларда ўқувчи билан дўстона муносабат ўрнатиш ҳамда замонавий воситалар ёрда-мида дарсни қизиқарли ўтказиш масалалари кўриб чиқилаётир, — дейди мак-таб директори Феруза Ма-даминова.

Ҳамза туманидаги 149-мактабда аниқ фанлар ва чет тилини ахборот технологи-ялари ёрдамида чуқур ўрга-тишга аҳамият қаратиш на-зарда тутилмоқда. Шу мақ-садда бир гуруҳ педагог-лар махсус ўқув курсларида малака оширишди. Синфхо-наларнинг моддий-техник базаси янада бойитилди.

Ўқув биносининг олд фа-

сади ва хоналар жорий таъ-мирдан чиқарилди, бино томи ва иситиш тизими куз-қиш мавсумига тайёр

ҳолатга келтирилди. Спорт зали, маърифат хонаси ва ўқув заллари баннерлар би-лан безатилди. География фани хонасига 10та янги гло-бус олиб келинди. Мактаб кутубхонаси ҳам бойитилди. Бу йил мактабга қабул қилинаётган 120 нафар бола учун Президент совғалари ва дарсликлар тайёрлаб қўйилди.

— Ўтган йилги камчилик-ларни бартараф этиш ва янги методларни ўзлашти-

ришга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди физика фани ўқитувчиси Насиба Аброро-ва. — Шахсан ўзим дарс бе-риш услубларини қайд этиб бориш учун ёндафтар юри-таман. Мураккаб мавзулар-ни ўқувчиларга содда тил-да етказишга доир форму-лалар ва бошқа методик тавсияларни ёзиб қўяман. Бундай тажрибани қўллаш-ни барча ҳамкасбларимга тавсия этаёлман.

Жиззах вилояти Фориш

ОБОД ВА КЎРКАМ МАСКАНЛАР

ўқувчиларни ўз бағрига чорлаётир

Юнусобод туманидаги 272-умумтаълим мактаби-да 840 нафар ўғил-қизга 51 нафар малакали педа-гог сабоқ бериб келаётир. Муассасанинг махсус ла-боратория жиҳозлари би-лан таъминлангани келгу-сида ҳам ўқув машғулот-ларининг мазмун ва сифа-тини бойитади. Жумла-



дан, замонавий асбоб-ус-куналар билан жиҳозлан-ган кимё, биология, фи-зика, информатика ва меҳнат хоналари ўқувчи-ларнинг билим олиши учун тайёр ҳолатга келтирил-ди. Обод ва кўркем мак-таб ҳовлиси илм олишга шай болажонларни ўз бағ-рига чорлаётир.

туманидаги 55-умумтаълим мактабидан ёзги таътил кунларида ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар оёғи узилмади. Қишлоқ болалари мактаб қошида очилган спорт ва фан тўғарақлари мунтазам қатнади. Айниқса, информа-тика тўғарақига қизиқиш билдирган ўқувчилар кўпчи-ликини ташкил этди.

Айни пайтда меҳнат таъ-тидан қайтган устоз-му-раббийлар янги ўқув йили-га тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқда. Синф раҳбарлари ўзларига бириктирилган хоналардаги кўргазмалар воситаларни тартибга келтириш билан банд. 1-синфга қабул қилин-ган кичкинтойларда Билим-лар кўни ўзгача таассурот қолдириши учун тантанали байрам сценарийси тайёр-ланмоқда.

Зафаробод туманидаги 7-, 9-умумтаълим мактаб-ларида ҳам янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриляётир. Жумладан, 7-умумтаълим мактаби давлат дастури асо-сида капитал реконструкция қилиниб, моддий-техник ба-заси мустаҳкамлангани бар-чани қувонтирди.

Масканда ёзги таътил кунлари фан ва спорт маш-ғулотлари мунтазам фаоли-ят кўрсатди. Кутубхоначи Дилноза Бухорбоева қизи-қарли тадбирлар уюштир-ди. Эътиборлиси, мактаб жамоаси янги ўқув йилини «Ёз-2012» спорт ўйинлари-нинг ғолибларини тантана-ли тақдирлаш маросими билан бошлаш ниятида.

Шоира БОЙМУРОВА,
Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари
Б.РИЗКУЛОВ
олган суратлар.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

*болалар истеъдодини эрта аниқлаш
ва ривожлантиришда илк босқич
вазифасини ўтамоқда*

Мустақилликкача «болалар боғчаси» ёки «мактабгача тарбия маскани» дея номланган муассасалар «Таълим тўғри-сида»-ги ва «Кадрлар тайёрлаш мил-лий дастури тўғрисида»-ги қонунларда таълимнинг илк бўғини сифатида тан олинди ва «мактабгача таълим муассасаси» дея номланди. Албатта, ном ўзга-риши билан чекланмасдан, сифат ўзга-ришига эришиш учун болаларни ки-чиклигидан қишлоқ миллий кадрларимиз руҳида тарбиялашга эътибор қучайди. Ҳар бир ўғил-қизга ШАХС сифатида қаралиб, тарбиявий жараёнлар таъли-мий асосларда олиб борила бошлади. Шу тариқа болани ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқ-ич, изчил ривожлантириб бориш ка-фолатланди.

Юртбошимизнинг «Таълимни тарбия-дан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шар-қона ҳаёт фалсафаси», деган ғояси ама-лий ҳаракатларга қўчиши натижасида ўтган йилгирма бир йил давомида аниқ мақсадли ўзгаришлар юз берди. Таъ-лим соҳасининг барча бўғинлари син-гари мактабгача таълим ҳам ўз мақоми ва мақсадида мос равишда ривожланиш босқичларидан ўтди. Хусусан, Мактаб-гача таълим концепцияси ва Мактабга-ча ёшдаги болаларнинг ривожланиши-га қўйилаётган давлат талаблари ва улар асосида «Учинчи мингйилликнинг боласи» таянч дастури қабул қилинди. Янги маъно-мазмунга эга ушбу дастур янада такомиллаштирилиб, 2010 йили

«Болажон» таянч дастури яратилди. На-тижада, болалар саломатлигидан тор-тиб, ижтимоий муносабатларга қўничи-ши ҳамда кейинги таълим босқичига тайёр бўлиб боришини кафолатлайди-ган мактабгача таълим тизими ота-она-лар ишончини қозонди.

Табииyki, ислохотлар самарасини кўп куттирмади. Мустақиллик йилла-рида мактабгача таълим муассасалари-да тарбияланиб, пойдеворининг мус-таҳкамлиги ва иқтидорининг тўғри йўналтирилгани сабабли илм-фан, ада-биёт ва спорт, қўйингки, барча жаҳа-ларда ютуқларга эришаётган ёшлар жуда кўп. Жумладан, Зулфия номида-ги давлат мукофоти совриндори, шо-такан каратэ-до бўйича кўп қарра жа-ҳон чемпиони Зулхумор Бобоева му-ваффақиятларининг пойдевори ҳам айнан мактабгача таълим муассасаси-да қўйилган эди.

Ангрен шаҳрининг Нуробод кўрго-

нидаги 33-«Бойчечак» мактабгача таъ-лим муассасасида ўтказилган «Соғлом-жон — полвонжон» спорт мусобака-ларини тарбиячи Муассар Раҳимжонова шундай эслайди:

— «Соғломжон — полвонжон»ни ўтказиш эндигона йўлга қўйилган пайтлар эди. Болаларнинг соғлом жис-моний ривожланишини таъминлаш, ҳаракат, гигиеник малакаларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган мусобақага гуруҳимиз билан тайёргарлик кўра бошладик. Оғир, ваз-мин, нозиккина Зулхумор ҳар кунги бадантарбия машқларида шиддаткор-лигини кўрсатмаган бўлса-да, унинг мусобакалардаги қатъиятини кўриб ҳайратландим. Тенгдошлари билан бир сафда туриб, ғолиб бўлишни чин дил-дан истаган собиқ тарбияланувчимнинг ўша пайтдаги ҳолати ҳамон кўз ўнгим-да.

2007 йилдан жаҳон спорт арена-ла-

рида юртимиз байроғини баланд кўта-риб, кўп бора олтин медал шодалари билан қайтган Зулхумор Бобоева спортдаги омадли йўли боғчадан бош-ланганини таъкидлайди:

— Оилавий спортчиларимиз, отам ва опаларимнинг мусобакалардаги ишти-рокига бошида унчалик эътибор бер-масдим. Лекин боғчамизда ташкил этилган мусобақадан сўнг менда ҳам спортга меҳр уйғонган. Олти ёшим-дан шотакан каратэ-до билан мунта-зам шуғуллана бошладим. Эришган ютуқларим замирида истиклол берган имкониятлар ётганини ҳис этаман. Ўз тақдирим мисолида Мустақиллик бах-тим, омадим деб биламан.

Дарҳақиқат, мустақиллик йиллари-да боғча, мактабга қадам қўйган бола-жонлар ҳозир жамиятимизнинг ҳар жа-ҳаси учун муносиб ҳисса қўшадиган ёшга, даражага етди. Улар кўлга ки-риётган муваффақиятларда тубдан янгиланган мактабгача таълим муассасаларининг ўрни алоҳида. Шундан бўлса керак, педагоглар юртимизнинг чекка ҳудудларидаги боғчаларда ҳам тарбияланувчилар қамровини ошириш учун изланишяпти. Ўз ўрнида, ота-оналар ҳам боласини бағрида катта қилишдан кўра мактабгача таълим муассасасида тарбияланиб, билимлар эшигини очишга шай бўлиши муҳим-лигини тушуниб етаяпти.

Насиба ЭРХОНОВА
«Ma'rifat» мухбири

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ректорати,
профессор-ўқитувчилари
ва талабалари жамоаси азиз
юртдошларимизни,
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус ҳамда
Халқ таълими вазирликлари,
Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги тизимидаги барча
ҳамкасбларни

Мустақиллигимизнинг
21 йиллик байрами билан қутлайди!
Сиз азизларга узоқ умр,
бахт-саодат, фаровонлик тилаймиз!

АЙЁМИНГ МУБОРАК, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАНИМ!





НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**1 сентябрь — Ўзбекистон
Республикаси**

**давлат Мустақиллигининг
21 йиллик байрами билан
барча юртдошларимизни
муборакбод этамиз!**

**Мустақил Ватанимизни янада
гуллаб-яшнатиш йўлидаги
фидокорона меҳнатларингизда
Сизларга доимо омад
ва зафарлар ёр бўлсин!**



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Одатдаги оила дастурхони. Даврабoшi — oтa чoй устидa болaлa-ригa ўтгaн-кетгaн дaмлaрдaн сўзлaйди:

— Ўшaндa aйни июль oйи эди. Мусoбaқa учун дeнгиз бўйидa жoй-лaшгaн мaмлaкaтгa бoрдик. Бaхaвo жoйлaр кўзимизни кувнaтди, лeкин бaрибир бир кун, aтиги бир кундa уйимизни сoғиндик, кўчaмиз, мa-хaллaмиз—хaммa-хaммaси кўз oлдимдaн ўтaвeрдди.

— Дaдaжoн, — сўз бoшлaди 5 яшaр Сaрвaрoй. — Мeни хaм мусoбaқaгa жўнaтсaнгиз, юртимизни сoғинaмaн. Уйимизни, aямни, хaммa-хaммaни яхши кўрaмaн, — кизчaнинг бийрoн сўзлaри кизичaрли гурoнгни жoнлaнтирди, чoғи...

— Хa, дaдa, aя, қaрaнг, мустaqил-лигимизгa 21 йил тўлaяпти. Мeн 18 ёшдaмaн, ундaн aтиги уч ёш кичик-мaн, aммo oрзулaримиз oсмoн қaдaр, имкoнийaтлaримиз пaрoвoзичи... Тунов куни кўчaлaримиздaн ўтaётгaн турнaқaтoр мaшинaлaргa қaрaб, юрaгим худди улaрнинг тeз-лигидaй жўшиб кeтди: oппoқ «Эпикa», кумушрaнг «Лacетти», кўм-кўк «Мaтиз», қaймoкрaнг «Нeксия»...

— Укa, сeн мaшинaни aйтaсaн, Ўзбeкистoн бaйрoғини хoрижий мaмлaкaтлaрдa хилпирaтгaн, мaд-хиямиз oвoзaсини oлaмгa тaрaтгaн бoксчилaримиздaн гaпир. Хaр бир зaрбaси aлп Aлпoмишнинг мушти-дaй-ку. Aнa гaлaбa, aнa зaфaр!

— Тўғри, болaлaрим, булaрнинг бaрчaси мустaqиллигимиз шaрoфaти. Aнaви куни тeлeвизoрдa тaд-биркoр aёл вa кизлaрни кўриб, жудa хaвaсaм кeлди. Улaр ишлaб чиқaрaётгaн мaхсулoтлaргa гaп йўқ!



ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Мeн хaм тaдбиркoрликкa кўл урсaм-микaн?! — дeя тўлқинлaниб гaпир-дим. — Пoпукли, кaштaли кийим-бoшлaр, эғнимизгa рoхaт бeрaдигaн мaйин мaтo — пaхтaдaн кийим-кeчaк тиксaм! Бир пaйтлaр oнaм рaхмaтли: «Бoр, бoлaм, пaхтaлисидaн тoпиб кeлинглaр, шу синтeтикa дeгaни жoнни узиб oлaди, хaвo ўткaзмaйдигaн, дeя зoрлaнaрди. Бир мeтр пaхтaли мaтo фaлoн пул, у хaм дўкoнлaрдa яширинчa сoтилaр эди.

— Кeчa ўртoқлaрим Тoшкeнтдaн кeлишди, пoйтaхтимиз жудa хaм ўзгaриб кeтибди!

Ўғлимнинг гaпидa жoн бoр! Тoшкeнтнинг бугунги жaмoлигa кўз тeг-мaсин! Бoшқa шaхaрлaримиз хaм кундaн-кун чирoй oчмoқдa.

— Болaлaрим, сизлaрнинг суҳбaт-ингиз бир oилa гурoнги, бугун юртимиз хaқиdа бутун дунё лoл бўлиб гaпирaяпти, — дeя суҳбaтгa aрaлaшaди oтaси...

Хaр бaхoрдa тумшугигa бaхт, қaнo-тигa эзгулик жoйлaб oқ лaйлaклaр тaшриф буюрaди. Тoнгидa «ингa»лaр жaрaнги бoр. Кeксaлaри дуoси му-стaжoб, кaрнaй-сурнaй сaдoсидaги юрт бу. Мeн, сeн, у — биз шу эл фaр-зaндлaримиз, эртaсимиз, эгaсимиз. Вaтaннинг эртaсини бугундaн бoш-лaш — бaрчaмизнинг вaзифaмиздир. Юртим, чирoйинггa кўз тeгмaсин! Йигирмa бир йиллик тўйинггa шoдa тумoрлaр тaқaйин, кўзмунчoқлaр илaйин!

Дилбар НОРМУРОВА,
Тeрмиз шaхридaги
11-умумий ўртa
тaълим мaктaби ўқитувчиси

реклама * эълон * реклама * эълон * реклама * эълон * реклама * эълон * реклама



**ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ**

**Барча юртдошларимизни,
таълим тизимида фидокорона
меҳнат қилаётган устоз ва
мураббийларни Республикамиз
Мустақиллигининг 21 йиллик байрами
билан муборакбод этади!**

**Ватанимиз равнақи йўлидаги
баркамол авлодни тарбиялашдек
эзгу ишларингизда
улкан зафарлар тилаймиз!
Эзгулик нури хонадонингизни
ёритиб, қалбингизни доимо
нурафшон этиб
туришига тилакдошмиз.**

SAVDOGAR BANK

ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

SAVDOGAR BANK

жамоаси
мамлакатимиздаги барча
миллат ва элатларни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
21 йиллиги билан чин
юракдан қутлайди!
Республикамизнинг
ишлаб чиқариш, иқтисодиёт
ва ижтимоий соҳалари
янада гуллаб-яшнашини
тилаймиз.
Ҳар бир оилага соғлиқ,
бахт, омад ва зафарлар
йўлдош бўлсин!



2012 йил — «Мустаҳкам оила йили»

Синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
	География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	14	7 100
8	Она тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чизмачилик.	16	9 900
8*	Она тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чизмачилик, Чет тили.	17	10 500
9	Она тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Информатика, Физика, Кимё, Биология, Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик.	16	10 200
9*	Она тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Информатика, Физика, Кимё, Биология, Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Чет тили.	17	10 900

Синф	Тўпламга киритилган дарслиklar рўйхати	Тўплам-даги дарс-ликлар сони	Дарслиklar тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Ўзбек тили, Она тили, Ўқш китоби, Русский язык, Математика, Атрофмиздаги олам, Одбнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	5 300
3	Ўзбек тили, Она тили, Ўқш китоби, Русский язык, Математика, Табиатшунослик, Одбнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	5 800
4	Ўзбек тили, Она тили, Ўқш китоби, Русский язык, Математика, Табиатшунослик, Одбнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	18 300
5	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Тарихдан ҳикоялар, Ватан туйғуси, Математика, Ботаника, Информатика, Табиий география бошланғич курси.	10	12 700
5*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Тарихдан ҳикоялар, Ватан туйғуси, Математика, Ботаника, Информатика, Табиий география бошланғич курси, Чет тили.	11	13 600
6	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Математика, Физика, Тарих, Ватан туйғуси, Ботаника, География, Информатика.	11	9 700
6*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Математика, Физика, Тарих, Ватан туйғуси, Ботаника, География, Информатика, Чет тили.	12	10 300
7	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика.	14	12 400
7*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	15	13 000
8	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Информатика, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик.	17	19 700
8*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Информатика, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Чет тили.	18	20 300
9	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Информатика, Чизмачилик.	17	20 000
9*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Информатика, Чизмачилик, Чет тили.	18	20 700

52-бандига асосан тикланади.

2012/2013 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпلامига белгиланган ягона ижара тўлови микдори

Синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Русский язык, Математика, Атрофимиздаги олам, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	4 700
3	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Русский язык, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	5 000
4	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Русский язык, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	16 700
5	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Информатика, Табиий география бошланғич курси, Ватан туйғуси.	10	11 700
5*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Информатика, Табиий география бошланғич курси, Ватан туйғуси, Чет тили.	11	12 500
6	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика.	11	9 300
6*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика, Чет тили.	12	10 000
7	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика.	14	12 000
7*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	15	12 500
8	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Иқтисодий билим асослари, Информатика, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Чизмачилик.	17	18 900
8*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Иқтисодий билим асослари, Информатика, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Чизмачилик, Чет тили.	18	19 500
9	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Иқтисодий билим асослари, Информатика, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Чизмачилик.	17	19 400
9*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Иқтисодий билим асослари, Информатика, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Чизмачилик, Чет тили.	18	20 100

Изох : 1. * синф тўплами чет тили дарслиги билан.

2. Чет тили — 3та дарслик (Инглиз, Немис ва Француз тили).

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дونا дарслик № 2064-Низомнинг андигида асосан тикланади.

Синф	Тўпلامга киритилган дарслиklar рўйхати	Тўпلام-даги дарс-ликлар сони	Дарслиklar тўплами учун бир йиллик ихара нархи (сўм)
	Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	15	12 500
8	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари, Иқтисодий билим асослари, Информатика, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик.	17	18 900
8*	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари, Иқтисодий билим асослари, Информатика, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Чет тили.	18	19 500
9	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Информатика, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-иҷтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик.	17	19 400
9*	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Русский язык, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Информатика, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-иҷтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Чет тили.	18	20 100

2. Чет тили – 3та дарслик (Инглиз, Немис ва Француз тили)

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дона дарслик № 2064-Низомнинг 52-бандига асосан тикланади.

Gurung

ПОШШОХОЖА

АҲИЛ ЮРТ

ҲИКОЯТ

Мен Уни ёмон кўраман.
У барча муваффақиятсизликларимнинг сабабчиси. Кўнглимга кувонч, юзимга кулгунни раво кўрмас золим. У буюк ёлгончики, ҳар куни алдайди. Ёлгонларининг занжирига бойланиб ҳеч қутулолмаяпман. Абдий ғашликини дилимга жойлаб, оний лаззат бахш этгучи меҳрибоним. У билан биргаликда ҳеч ҳам ташвиш чекмайман, дилимга таскин беради доим. Унга шунчалик ўрганиб қолганманки, эртага не бўларини билсам ҳам Уни тарк этол-

ожишлар атрофингда қанча, кучлиларгина Сени рад этишга қодир. Уларга — кучлиларга ҳавас қиламан...

Мен аслида Сени эмас, ўзимни ёмон кўраман. Мен Сени енгимш мумкин эди-ку! Сенинг ортиндан эргашмай, Сени ўзимга асир қилсам бўларди-ку! Сени ҳам, ўзимни ҳам ёмон кўришимнинг энг катта сабаби — мағлубият! Енгилиш — оғриқли, аянчли, уятли ва жуда кулгили. Сени деб юрагим оғрийди, қисматим, тақдирим аянчли. Шу ҳолга ту-

НАФРАТ ИЗҲОРИ

ФИҚРА

майман. Беманзил йўллардан юришга-да розиман. У шу қадар кучлими? Ҳеч вақт асир бўлмаган кўнглини асирга айлантирди-қўйди.

Мен Сени ёмон кўраман.

Шунчалар ёмон кўраманки, хафа бўлишингни ҳам ўйламай, юзингга юз марталаб айтишга уялмайман. Сен бир мени эмас, инсонларни-да шу қўйга солмоқдасан. Сен кимсан ёки нимасан? Қандай қилиб кўпчилиكنинг кўнглини оласан? Сохта табассуминг билан уларни-да ортиндан эргаштирасан? Сўзим — чин! Сени ҳеч қачон яхши кўрмаганман, бунини хоҳламайман ҳам. Ҳеч қачон вақт сени яхши кўрмаган. Шундай оҳанрабоинг борки, инсонлар ўзидан-ўзи Сенга ипсиз боғланиб қоладилар. Мендай

шишимдан қандай орлансам, шундай кулгим келади.

Ҳа, Сен ўша мен нафратланган — жаноб Дангасаликан!

Мен эса сенинг асиринг — Дангаса хонимман.

Қизиқми? Ҳамма севганига, ёқтирганига дил изҳори ёзса, мен айнан Сенга ёзмоқдаман. Қара, Сен менинг эътиборимдасан, ҳар вақт фикру ёдим Сенда! Шунинг учун Сени ёмон кўришимдан хафа бўлишга ҳақинг йўқ! Нима қилай, ахир, сени ёқтиролмайман. Мен эртага оқ қанотли тулпорда учиб келувчи шаҳзода — жаноб Ҳаракатни зор-интизор кутмоқдаман. У барибир келади! Ишонаман!

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

КАРАМ



Карамнинг шираси ё қайнатмасини кунжут ёғи билан қўшиб, томоқни чайқалса, томоқ оғриқларига фойда қилади.

Карамни чайнаб, суви сўрилса, бўғилган овоз-

ни очади.

Сариқ йўнғичка талқони ва кунжут билан аралаштириб тайёрланган қуюқ суртмасининг бодга ва бўғинлар оғриғига фойдаси бор.

Ибн СИНО

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Қайнатмаси ва уруғи бош қасмоғига фойда қилади, карам ширасини бурунга юборилса, мияни тозалайди.

Агар барги хомлигича сирка билан қўшиб ейилса, талоқ касалига учраганларга фойда қилади.

ПИЁЗ

Қизили оқиға қараганда ўткирроқ бўлади. Қуритилгани хўлига қараганда, хоми қовурилганига қараганда ўткирроқдир.

Пиёзли шўрва пиёзсиз шўрвага қараганда қоринни камроқ дам қилади... Айниқса, хомлигича ейилган пиёз турли сувларнинг зарарини қайтаради; юзни қизартиради. Уруғи доғни кетказида... Уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сўғалларни кўпоради.

Суви бурунга юборилса, бошни тозалайди. Бош оғирлашганда, қулоқ шан-



гиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлганда қулоққа томизилади.

Пиёзнинг сиқиб олинган суви кўзга сув тушган(катаракта)да фойда қилади. Кўзни равшан қилади...

Пиёз суви асалга қўшиб ишлатилса, томоқ оғриқда фойда қилади.

Пиёз суви ҳайз қонини юргизиб, ични юмшатади.

САРИМСОҚ

Қайнатилгани ва қовурилгани тиш оғрини босади.

Пишириб ишлатилса, овозни ва томоқни тозалайди, эски йўталларга ва совуқдан бўлган кўкрак оғриқларига фойда қилади...



Агар қулини асал билан қўшиб, доғга ва кўз(остидоғи) қондалашларга суртилса, фойда қилади...

САБЗИ

Зотилжам ва давомли йўталга фойда қилади...

Ҳазми қийин, мураббосининг ҳазми эса енгилдир.

Сабзи, айниқса, ёввойи сабзининг уруғи ичак оғриқларини босади. Қаттиқ сийдиради, хусусан, ёввойи сабзи, айниқса, унинг уруғи, япроғи ҳам шундай хусусиятга эга.



(«Ибн Сино шифобахш ўсимликлар ҳақида» китобидан.)

Лутфий

СЕНСЕН СЕВАРИМ

Рубоийлар

Эй кўнгул, бу йўлда не ғамдур санга —
Ким, ҳаёли ёр ҳамдамдур санга.
Севдунг ўз ҳаддингдин ортук ёрни,
Гар сени куйдурсалар, камдур санга.

Гаҳ сайр учун ул моҳитобон чиқаду,
Қўл солиб, этак йиғиб хиромон чиқаду.
Чун жилва қилиб ногаҳон бокса қиё,
Ҳар бир боқишига юз сучук жон чиқаду.

Ҳар неча жавру жафолар сандаду,
Юз чевурмон токи жоним тандаду.
Бевафолиқни кўруб узмас умид,
Бас, қатик жонлиқ кўнгулким мандаду.

Бу не қошу ғамзайи айёр эру,
Бу не шаклу шеваю рафтор эру.
Сенга осондур агар мен бўлмасам,
Сенсизин лекин манга душвор эру.

Оздирур оламни сўзунг, эй бегим,
Не балодур фитна кўзунг, эй бегим.
Айттин дермен сенга кўнгулмдагин,
Не дейин, билурсен ўзунг, эй бегим.

Ишқинг ўти жон уйига тушгали,
Бир нафас ҳам тинмадим то ёнмадим.
Хўблар илгидин неча бўлдум кабоб,
Мен ямон тавбамга ҳеч тоёнмадим.

Кўрмамен ногаҳ янгоқинг дардини,
Тортгамен кўзга аёқинг гардини,
Топқамен деб васлидин бир кун даво,
Тортарам доим фироқинг дардини.

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

Vatanimiz mustaqilligining 21 yilligiga

Жорий йил Лондонда бўлиб ўтган XXX ёшги олимпиада ўйинларида спортимиз тарихида илк бор бадий гимнастика бўйича ўзбекистонлик спортчи — Ульяна Трофимова иштирок этиб, 200дан зиёд мамлакат вакиллари орасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Унинг нафис ҳаракатлари дунёнинг энг етук мутахассислари ва мухлислар эътирофига сазовор бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ ГИМНАСТИКА МАКТАБИ

унинг тарбияланувчиларини бугун дунё танимоқда

Бу мустақиллик йилларида юртимизда аёллар спортини, хусусан, бадий гимнастикани ривожлантириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилгани, 21 йиллик фурсат ичида юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам юзлаб бадий гимнастика иншоотлари қад кўтариб, жаҳон стандартларига мос замонавий жиҳозлар билан таъминланганидан дарак беради, аяббатта.

Юртимизда бадий гимнастика билан шуғулланишга иштиёқманд қизлар сонининг кун сайин ортиб бораётганига сабаб кўпчилик спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланиш замирида соғлом аёл, демакки, соғлом фарзандни тарбиялаш каби эзгу мақсад ётганини англаб етмоқда. Бугун юртимиздаги катта-катта спорт саройларида фаолият олиб бораётган бадий гимнастика тўғралаклар Азиза Мамажонова, Замира Санокүлова, Жамила Раҳматова, Сарвина Холиқова, Майя Филиппова, Хусниябону Гуломова, Мафтуна Шамсиева сингари маҳоратли гимнастикачи қизларнинг издошлари билан тўлган. Улар жисмонан ва руҳан чиниқиб, ўз саломамлигини тиклаш баробарида халқаро миқёсдаги йирик мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриб, эртага Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон юрт номини кўкларга кўтаришни мақсад қилишмоқда.

Биргина мисол: умуртқа погонасида нуқсон борлиги сабаб шифокорларнинг тавсиясига кўра 9 ёшида бадий гимнастика билан шуғулланишга аҳд қилган бухоролик Замира Санокүлова тинимсиз машқлар давомида саломатлигини яхшилаш баробарида, қатор халқаро мусобақаларда голибликни кўлга киритгани тахсинга сазовор. Бугун у бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси. 2008 йили Голландияда бўлиб ўтган халқаро мусобақада 1-ўрин, Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида эса 2-ўринни эгаллаган Замира бугун тенгдошларига ҳар жиҳатдан ўрнатқан бўлиб келмоқда. Бунга у спорт, хусусан, бадий гимнастика орқали эришганини алоҳида таъкидлайди.

Айни пайтда республикамизнинг иқтидорли бадий гимнастикачилари қатор мусобақаларда иштирок этиб ўз маҳоратларини юксалтириб келмоқда. 2003 йили Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Озарбойжон пойтахти Бокуда ўтказилган жаҳон кубоги, Венгрияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати мусобақаларида иштирок этди. Шуниси қувонарлики, спортчиларимизнинг эришяётган ютуқлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2004 йили

Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида спортчимиз Олеся Ашаева бронза медалини кўлга киритди, ёш спортчилар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда эса Ульяна Трофимова олтин медаль соҳибасига айланди. Энг ёш гимнастикачиларимиз эса «Baby Cup Alina-2004» биринчи халқаро турнирида иштирок этиб, шоҳсуланинг юқори ўринларидан жой эгаллади. Шунинг унутмаслик кераки, бу ютуқлар замирида З.Абдуллаева, В.Шевченко, А.Малкина, Р.Хохлова, Т.Роговая ва И.Борисенко сингари мураббийларнинг тинимсиз меҳнати ётибди.

2011 йилнинг 5—7 сентябрь кунлари Тошкент бирваркайига икки нуфузли мусобақа — бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ҳамда қизлар ўртасидаги «Happy Caravan» халқаро турнирига мезбонлик қилди. Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида 30дан зиёд давлатнинг етакчи бадий гимнастикачилари голиблик учун баҳс олиб борди. Нафосат маликаларининг гўзал ва бетакорр чиқишлари мусобақаларни бевосита ва билвосита кузатган миллионлаб спорт мухлисларига олам-олам қувонч ҳадя этди. Жаҳоннинг етакчи бадий гимнастика усталари иштирокида бўлиб ўтган мусобақаларда ҳамюртимиз Ульяна Трофимова муносиб катнашди ва бронза медали соҳибасига айланди.

Бадий гимнастикага қаратилаётган бундай эътибор сабаб, қатор нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилиш айнан бизнинг мамлакатимизга ишониб топширилмоқда. Таъкидлаш жоиз, спортнинг бу тури бўйича 2004 ҳамда 2005 йилги жаҳон кубоги босқичи мусобақалари, шунингдек, 2010 йилги Осиё чемпионати баҳслари пойтахтимизда ўтказилган эди. Бадий гимнастика бўйича Франциянинг Монпелье шаҳрида бўлиб ўтган 31-жаҳон чемпионатида дунёнинг 56 мамлакатидан 250дан ортиқ спортчи иштирок этди. Улар қаторида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Ульяна Трофимова умумий ҳисобда 108,375 балл билан Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритган бўлса, гуруҳ баҳсларида Ульяна Трофимова, Жамила Раҳматова ҳамда Замира Санокүловдан иборат жамоамиз 31 жамоа орасида фахрли 6-ўринни эгаллади.

Истиқлол йилларида аҳолини спорт ва жисмоний тарбия воситасида соғломлаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртимизнинг узок ҳудудларида гимнастика спорт турлари бўйича фаолият олиб бораётган ютуқли мураббийлар малакасини ошириш мақсадида Халқ таъ-

лими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинлари совриндорлари Жамила Раҳматова ва Диана Каримжонова иштирокида 500дан зиёд спортчи қизлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Айниқса, Косон туманидаги Гувалак қишлоғида Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган янги бадий гимнастика иншооти қурилгач, яқин атрофдаги қишлоқларда спортнинг мазкур тури билан шуғулланиш истагида бўлган қизларнинг сони ортиб бормоқда. Ўз иш фаолиятини 2005 йилда бошлаган мураббий Сабоҳат Адилова-нинг шогирдлари томонидан миллий матоларимиздан махсус бадий гимнастика спорт кийимлари тикиш аънаъаси шакллантирилди.

2010 йили Андижон шаҳридаги Олимпия захиралари гимнастика спорт мактаби қайта таъмирдан чиқарилди ва қўшимча бадий гимнастика зали бунёд этилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Андижон вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур гимнастика зали мусики спорт жиҳозлари ва мусикий марказ тўплами билан таъминланди. Мажмуада спорт гимнастикаси, бадий гимнастика ва спорт акробатикаси билан шуғулланиш истагидаги 1000 нафарга яқин ўқувчи-ёшларни жалб қилиш имконияти яратилди.

Сурхондарёдаги Сариевский болалар спорт мажмуасида фаолият кўрсатиб келаётган мураббий Интизор Норбоева 20 нафар қизни жамлаб бадий гимнастика тўғрарини йўлга қўйди. Бугунга келиб улар сони 300дан ортиб кетгани эса юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ушбу нафис спорт турига қизиқувчилар кўплигидан ва энг асосийси бадий гимнастика қишлоқ одамларининг онгидан нафосат ва гўзаллик, соғлом ҳаёт манбаи сифатида жой олаётганидан дарак беради. Кўриниб турибдики, мустақиллик шарофати билан амалга оширилган ишхотлар натижасида юртимизда бадий гимнастика мактаби шаклланиб улгурди, дея бугун баралла айта оламиз. Мазкур спорт турини омалаштириш борасида қилинаётган ишлар эса соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги улкан қадам бўлаётгани шубҳасиз.

Висола ҚАРШИБОВЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Спорт бирлаштирувчи кучга эга. Шу боис ҳам дунёнинг турли мамлакатларида тез-тез мусобақалар, турнирлар уюштирилади, минглаб томошабинлар жамулжам бўлиб ўзининг севимли жамоаси ёки спортчисига мухлислик қилади. Ана шундай аънаъавий тадбирлардан бири яқинда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида уюштирилди.

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» спорт мажмуасида эркаклар ўртасида мини футбол ҳамда хотин-қизлар ўртасида стол тенниси бўйича Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги соврини учун кечган икки кунлик мусобақа шахду шиддат борасида эсда қоларли вазиятларга бой бўлди.

Мурасиз мусобақанинг биринчи кунда қўрға натижасига кўра, тўрт гуруҳга бўлинган ўн икки жамоа плей-офф йўлланмалари учун баҳсга киришди. Унда ўз гуруҳи матчида муваффақиятли иштирок этган икки жамоа чорак финалга чиқди.

Иккинчи кун ярим финал учрашувлари билан бошланди. Унда «Халқ сўзи» жамоасига қарши «Ўзбекистон овози» ходимлари тўп сурган бўлса, иккинчи финал йўлланмаси учун «Тошкент ТВ» ҳамда «Телемарказ» жамоаси ўзаро куч синашди.

«Тошкент ТВ» жамоаси рақибларини асосий вақтда 3:2 ҳисобида енгишга муваффақ бўлди. «Ўзбекистон овози» жамоасига эса ярим финалда ҳам омад қулиб бокди. Асосий вақт 1:1 ҳисобида нихоасига етгач, пенальтилар серияси голиб номини аниқлаб берди. Унга кўра, «Халқ сўзи» жамоаси фақатгина 3-ўрин учун курашиш имконини сақлаб қолди.

ЖУРНАЛИСТЛАР
СПОРТ МАЙДОНИДА

Икки омадсиз жамоа — «Халқ сўзи» ва «Телемарказ» йигитлари «бронза» учун «жанг»га киришди. Биринчи таймда дарвозалар дахлсизлиги таъминланган бўлса, учрашувнинг иккинчи бўлими 2:1 ҳисоби билан яқунланди ва 3-ўрин учун аталган соврин «Халқ сўзи» газетаси жамоасига насиб этди.

— Турнир ҳар доимгидек жуда ҳам кўтаринки руҳда ўтди, — дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири, ХТВ матбуот хизмати бошлиғи Жаҳонгир Мусаев. — Халқ таълими вазирлиги соврини учун ўтказилган аънаъавий мини футбол турнирининг энг сўнгги ҳал қилувчи финал учрашувида беллашган ҳар икки жамоа ҳам ғалаба учун ўз иродасини намойиш этди. Бироқ ҳар қандай спорт мусобақасида голиб битта бўлади, бош соврин ҳам. Ғалабага бўлган иштиёқини сўндирмай финалга қадар етиб келган «Тошкент ТВ» жамоаси «Ўзбекистон овози»ни 4:2 ҳисобида енги. Хотин-қизлар ўртасида кечган стол тенниси мусобақасида фахрли 1-ўрин «Ma'rifat» газетаси ходими Санобар Ҳакимовага насиб этди.

Тадбирнинг тантанали ёпилиш маросимида мини футбол ҳамда стол тенниси бўйича уюштирилган бир-биридан қизиқарли матларнинг голиб ва совриндорлари, шунингдек, турли номинациялар соҳиблари ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Тошкент молия институти қошидаги 2-академик лицей томонидан 2009 йилда Собиров Мирфотих Хасан ўғли номига берилган L 071574 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси Ўзбек филологияси факультети «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси доценти

Муҳаммадjon ҚОДИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Янги АСР авлоди

барча ҳамюртларимизни, китобсеварларни, илмга чанқоқ ёшларни,
таълим муассасалари жамоалари ҳамда ўқувчи йигит-қизларни

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Фарзандларимизнинг салоҳиятли, ақл-заковатли бўлиши, уларнинг китобга меҳр қўйиши, мутолаага бўлган иштиёқи, замонавий билимларни пухта эгаллаши билан баҳоланади. Зотан, китобга ошно кўнгил эгаларидан муносиб нисонлар етишиб чиқади.

Мақтаблар, ўқув муассасалари, кутубхоналар, илм даргоҳлари ва ота-оналарни ҳамкорликка таклиф этиб, фарзандларимизнинг китобга меҳр қўйиши-дек улуғвор ишларни биргаликда амалга оширишга чорлаймиз.



Мурожаат учун манзил: 100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60. Телефон: (+99871) 273-56-45, 128-78-43.
web-сайтими: www.yangiasr.uz интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail: info@yangiasr.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), "Учитель Узбекиста-
на", Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-818.
Tiraj 33220.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichlmi A-3.

«Ma'rifat»-dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Mamur AHLIDINOV.
Navbatchi muharrir:
G'olib BAHROMOV.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Yza skym — 20.50
Topshirildi — 22.00